ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Т.Н. ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

# УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ

мавзусидаги республика
илмий-амалий конференцияси

# МАТЕРИАЛЛАРИ

(III - IV шўъбалар)

Тошкент - 2009 й.

| | | |
|---|---|---|
| Р.Ж. Юлдашева, С.Р. Джуманиязова | Обучение слушателей курсов повышения квалификации использованию инновационных методов на уроках русского языка | 168 |
| Б.А. Олимов | Малака ошириш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш (аниқ фанлар мисолида) | 171 |
| К. Собиров | Ишни ташкил этишда бошқарув ходимининг тутган ўрни | 172 |
| А.А. Холиков | Ўқитувчи касбий фаолиятида дилкашлик ва педагогик такт | 175 |
| Б. Якубов, З. Якубова | Миллат тарбиячиси | 179 |
| И. Жалолов, Д. Қамбаров, Н. Садиев | Ёшлар тарбиясида ўқитувчи-мураббийнинг тутган ўрни | 180 |
| Б. Шамсиев | Узлуксиз таълим тизмида ўқитувчилар тайёрлашнинг педагогик шароитлари | 182 |
| Н.Ахмедова | Малака оширишда эҳтиёжларни ҳисобга олиш | 184 |
| О.Т.Парпиев | Малакали кичик мутахассислар тайёрлашда педагогик ўйинлардан фойдаланиш | 186 |
| М. М. Аҳмедов, Ш.М. Ахмедов | Бўлажак ўқитувчиларни ўқувчилар ижодий тафаккурини шакллантиришга тайёрлашдаги баъзи бир муаммолар | 189 |
| Ф. Шокирова | Хорижий тил ўқитувчиларининг малакасини оширишда ўқув методик мажмуаларнинг ўрни | 191 |
| Г.А. Шахмурова, Н.Ж. Тошманов, А. Нурматов | Роль учителя в профилактике ВИЧ и СПИДа как одного из компонентов ЗОЖ | 193 |
| Н.Ахмедова, Ҳ.Ҳамрокулов | Доимий ҳаракатдаги семинарлар орқали ёш педагогларнинг касбий малакасини ошириш йўллари | 195 |
| Г. Боймуродова, Н. Тошева | Касбий-шахсий сифатларни шакллантиришда ўқувчининг ўқитувчига педагогик таъсири | 197 |
| Б.Ю. Султанов, Ж. Рахимов | Умумий ўрта таълимни ривожлантиришда факультатив дарсларни олиб борувчи ўқитувчиларнинг малакасини ошириш масалалари | 199 |

| | | |
|---|---|---|
| Ш. Ҳ. Неъматова, Б.Т.Неъматов | Малака ошириш тизимини такомиллаштириш омиллари | 201 |
| Г. Эргашева | Умумий ўрта таълимни ривожлантиришда малақа оширишни ўрни | 202 |
| Н. Гулбаев | Халқ таълими тизими раҳбар ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда ахборот хавфсизлиги масаласининг ўрни. | 204 |
| З. Маткулиева | Умумий ўрта таълимни ривожлантиришда малака оширишнинг аҳамияти | 206 |
| Sh. Begliyeva | Umumiy o'rta ta'limni rivojlantirishda kadrlar malakasini oshirish masalalari | 207 |
| З. Сайфутдинова | Ўқитувчи нутқ маҳорати ва таълим жараёни | 208 |
| С.А. Усмонов | Малака оширишда мониторингнинг аҳамияти | 209 |
| М. Яхъяев, Ф. Тожиева, | Касбий диагностика асосида ўқитувчилар малакасини оширишни ташкил этиш | 212 |
| Т.Қодиров, Л.Нурматова | Педагог кадрлар малакасини оширишда масофавий таълимнинг мақсад ва вазифалари | 216 |
| М.Шодмонова | Адабиёт ўқитувчилари малакасини оширишда муаммоли таълимнинг ўрни | 218 |
| Г.Я. Алимова | Формирование профессиональной компетентности учителя иностранных языков | 220 |
| Т.Е.Сидикова | Вопросы воспитания духовности молодёжи в произведениях Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова | 222 |
| М.Э. Жумаев | Математикага ихтисослаштирилган бошланғич синф ўқувчиларнинг ижодий шахс сифатида ривожланиши концепциясини амалга оширишнинг асосий йўналишлари | 224 |

масофавий таълим порталига жойлаштирилади. Фанларни ўқитишда янги замонавий методикалардан фойдаланиш, шу жумладан янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича масофавий курслар жорий этилади. Ушбу курсларда умумтаълим мактабларининг фан ўқитувчилари масофадан малака оширишади, ўрта махсус маълумотли бошланғич синф ўқитувчиларининг маълумот даражаси оширилади. Кейинги босқичда, тарих ва ҳуқуқ асослари фанларидан ҳам худди шундай малака ошириш курсларининг ўқув материаллари яратилади.

## АДАБИЁТ ЎҚИТУВЧИЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА МУАММОЛИ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

**М. Шодмонова,**
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎЗПФИТИ аспиранти.

Сўнгги йилларда педагогика ва методика йўналишида олиб борилган тадқиқотларда илмий билимларнинг шахс томонидан самарали ўзлаштирилишида илғор педагогик технологияларнинг қуйидаги турларидан фойдаланиш имкониятига катта баҳо берилмоқда: муаммоли ўқитиш, модул, дастурий таълим, ривожлантирувчи таълим, ўйин технологиялари, интерфаол, ҳамкорлик, табақалаштирилган таълим. Маълумки, таълим жараёнини ташкиллаштириш, жумладан, малака ошириш курсларида адабиёт ўқитувчиларининг касбий маҳоратларини бойитишда таълим воситалари ва методларининг тўғри танланиши жараённинг самарали кечишини таъминлайди. Қуйида муаммоли таълим технологиясидан адабиёт ўқитувчиларининг касбий малакаларини оширишда фойдаланиш имкониятлари ҳақида қисқача сўз юритилади.

Муаммоли ўқитиш замонавий таълим моҳиятини акс эттирувчи илғор педагогик технология ҳисобланади. Таълим амалиётида ундан фойдаланиш таълим олувчиларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш ва маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилади. Малака ошириш жараёнида адабиёт ўқитувчиларига таълим тизимида адабиёт дарсларини ташкил этиш муммоларига оид топшириқлар ва масалаларни тавсия этиш орқали уларда билиш фаоллиги ва ижодий лаёқат шакллантирилади.

Муаммоли ўқитишда муаммоли вазиятларни ҳал қилиш методи фаол қўлланилади. Малака ошириш жараёнида мазкур методдан фойдаланиш адабиёт ўқитувчиларида адабиёт дарсларини самарали ташкил этишнинг шакл, метод, восита ва йўлларини тўғри танлаш кўникма ва малакаларини шакллантиришга ёрдам беради. Мазкур методни қўллаш орқали тингловчилар маълум муаммони ҳал қилишда бир неча вариантларни илгари

суриш, уларнинг амалий қийматини баҳолаш, илгари сурилган муқобил вариантлар орасидан энг мақбулини танлаш малакаларини ўзлаштирадилар. Танланган муаммонинг адабиёт ўқитувчилари фаолияти учун аҳамиятли эканлиги ҳам мазкур метод малака ошириш жараёнида самарали қўлланилишини тасдиқлайди. Муаммоли вазиятлар аниқ ҳаётий воқеа-ҳодисалар ёки махсус асосланган ҳодисалар мисолида тингловчилар эътиборларига ҳавола этилиши мумкин. Шунингдек, тингловчилар касбий фаолиятларида дуч келган психологик-педагогик ҳодисалар асосида ҳам уларни муаммо ечимини топишга ундаш кутилган натижаларни беради.

Малака ошириш жараёнида муаммоли таълимнинг самарадорлигини таъминловчи баҳс-мунозаралардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Зеро, баҳс-мунозаралар адабиёт ўқитувчиларининг ўзаро тажриба алмашишларини таъминлаш, назарий билимларини бойитиш ҳамда уларни адабиёт соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ва илғор педагогик технологиялар билан яқиндан таништириш имкониятини яратади. Баҳс-мунозаралардан самарали фойдаланиш мақсадида уни кичик гуруҳларда ташкил этиш лозим. Бундай ёндашув ҳар бир тингловчининг баҳс-мунозарада фаол иштирок этишлари учун шароит яратади. Баҳс-мунозаралар тингловчиларга адабиёт дарсларини ташкил этишда эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатларни чуқур англаш, илғор технология ва фаолиятда самарадорликни кафолатловчи методлардан хабардор бўлиш, шунингдек таълим соҳасида сўнгги йилларда яратилган янги адабиётлар тўғрисида маълумотларни олиш имконини ҳам беради. Муайян мавзу асосида баҳс-мунозараларнинг ташкил этилиши тингловчилар фаолиятини аниқ мақсадга йўналтиради. Бошловчи (тренер ёки андрагог – педагог, фаол тингловчилардан бири ёки таклиф этилган мутахассис) баҳс ҳамда мунозаралар учун мавзу доирасида муайян саволларни тайёрлайди ҳамда машғулотнинг тахминий лойиҳасини ишлаб чиқади, шу билан бирга тингловчилар томонидан билдириладиган фикрларни тахмин қилгани ҳолда уларни асослаш ёки мазкур муаммони ёритишда бир қадар аҳамиятсиз эканлигини исботлаш мақсадида далилларга асосланган тезисларни тайёрлайди. Бу ҳолат баҳс-мунозараларнинг тартибли кечиши, мавзудан четга чиқмаслик, билдирилаётган фикрлар орасидан муҳимларини ажратиб олиш ва улар асосида ягона хулосага келиш имконини беради.

Баҳс-мунозараларнинг самарали кечишини таъминловчи муҳим омиллардан яна бири – бу адабиёт ўқитувчиларининг адабиёт дарслари ва уни ташкил этиш йўллари борасида муайян назарий билим ва амалий тажрибага эга бўлишлари саналади. Зеро, баҳс-мунозарани ташкил этувчи субъект муаммонинг ечимини топиш йўллари ҳақида ҳеч қандай маълумот, кўрсатма ёки маслаҳат бермайди. Ечимни топиш тингловчиларнинг зиммасида бўлиб, улар ана шу мақсадда мустақил фаолият юритадилар. Бошловчи эса зарур ўринлардагина рағбатлантирувчи, тингловчиларни фаолликка даъват этувчи фикрларни билдириши ёки навбатдаги саволни

ўртага ташлаши мумкин. Ана шу хусусиятига кўра бахс-мунозарани муайян муаммо юзасидан назарий ечимни топишга йўналтирилган кичик тадкикотга қиёслаш мумкин.

Техник воситаларнинг такомиллашуви улар хизматидан фойдаланиш кўламининг кенгайишига замин яратди. Бугунги кунда таълим жараёнини ташкил этишда турли кўринишдаги ахборот технологиялари ва замонавий техник курилмалардан самарали фойдаланилмокда. Видеотаҳлил интерфаол методлардан бири бўлиш билан бирга соҳа мазмунига тегишли муайян ҳодисаларни тасвир ёрдамида қайта ўрганиш, вазиятни батафсил таҳлил қилиш имкониятини яратади. Муаммоли таълим элементи сифатида видеотаҳлилдан самарали фойдаланиш тингловчиларни шахслараро муносабатлар мазмуни, муаммоли вазиятларни хал этиш, шунингдек, таълим тизимида адабиёт дарсларини ташкил этиш борасидаги илғор иш тажрибалари билан таништиришда самарали саналади. Видеотаҳлил учун ўкув кўрсатувлари, диафильмлар, шунингдек, адабиёт ўқитувчиларининг иш тажрибаларини ёритувчи лавҳалар танланади. Видео таҳлил ёрдамида, яна шунингдек, тренинглар, ролли ўйинлар ва бахс-мунозараларнинг мазмуни ҳамда натижаларини баҳолаш мумкин. Малака ошириш жараёнида видеотаҳлилнинг оммавий (курс) ёки гуруҳ иштирокида қўлланилиши кутилган натижаларни беради.

Юқорида номлари кайд этилган таълим турларидан малака ошириш тизимида самарали фойдаланишда турли номлар билан юритилувчи ва муайян шартлар асосида ташкил этилувчи интерфаол методларни ҳам қўллаш тингловчиларнинг фаолликларини оширади ва уларни дастур мавзуларини ўрганишга ижодий ёндашишга ундайди.

## ФОРМИРОВАНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ УЧИТЕЛЯ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ

**Г.Я. Алимова,**
доцент ТГПУ имени Низами, кандидат педагогических наук

В соответствии с требованиями современного общества к учителю реализуется система профессиональной подготовки учителя. Сегодня именно изменения во всех сферах нашего общества диктуют, каким должен быть учитель, а, следовательно, вносят изменения в систему его подготовки.

Процесс формирования компетентности специалиста является одной из главных проблем педагогики. Компетентность учителя приобретает в последние годы всё большую актуальность в связи с тем, что постоянно трансформируется социальный опыт, реконструируется сфера образования, появляются всевозможные разновидности авторских педагогических систем, возрастает уровень запросов к специалисту.

Компетентность можно представить как комплекс компетенций, т.е. наблюдаемых проявлений успешной продуктивной деятельности. Компетентность – это комплексный личностный ресурс, обеспечивающий возможность эффективного взаимодействия с окружающим миром в той или иной области и зависящий от необходимых для этого компетенций.

Система профессиональной подготовки учителя направлена на формирование у выпускников педагогических вузов профессиональной компетентности, которая рассматривается как личностная категория. Для эффективной реализации учебно-воспитательных функций учителю необходимы следующие компетенции: социально-психологическая компетенция, связанная с готовностью к решению профессиональных задач; коммуникативная и профессионально-коммуникативная компетенция; общепедагогическая и профессиональная компетенция (психолого-педагогическая и методическая); предметная компетенция в сфере учительской специальности и профессиональная самореализация.

Изучению компонентной структуры коммуникативной компетенции посвящено немало исследований, авторы которых выделяют: *социолингвистическую компетенцию*, подразумевающую знание словарных единиц и грамматических правил, которые преобразуют лексические единицы в осмысленное высказывание; *дискурсивную компетенцию*, а именно способность понимать различные виды коммуникативных высказываний, строить целостные, связные и логичные высказывания различных функциональных стилей; *стратегическую компетенцию*, т.е. вербальные и невербальные средства (стратегии), к которым человек прибегает в случае, если коммуникация не состоялась; *социокультурную компетенцию* – знание культурных особенностей носителей языка, их привычек, традиций, норм поведения и этикета, умение понимать и адекватно использовать их в процессе общения, оставаясь при этом носителем другой культуры; *социальную компетенцию*, а именно умение и желание взаимодействовать с другими, уверенность в себе и в своих силах для осуществления коммуникации.

Современная практика общения характеризуется процессами глобализации во всех областях человеческой жизни и деятельности и приводит к увеличению международных контактов. При этом опыт показывает, что даже в тех случаях, когда языковой барьер преодолен, и собеседники свободно разговаривают на одном языке, установить понимание удаётся далеко не всегда. Можно привести множество примеров того, когда участники взаимодействия произносят фразы, реплики, обмениваются информацией, однако понимания в процессе общения не происходит. Причин здесь много и, прежде всего, это – отсутствие компетенции. Чтобы понять, почему знание языковых и речевых аспектов не обеспечивает взаимопонимания, необходимо разобраться в том, что включает в себя системное понятие коммуникативной компетенции.